

ИНГЛИЗ ТИЛИНИНГ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Дехканова Мадина Бахтияровна

Миробод тумани 65-мактаб инглиз тили фани ўқитувчиси

Аннотация: Уибу мақолада таълим асосан анъанавий услубларда олиб борилаётгани ҳақида, ўқитувчи уни турли йўллар, яъни доскага ҳар хил чизмалар чизши, ҳаракатлар билан кўрсатиш билан дарсга жалб қилиши лозимлиги ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: таълим, инсонлар, долзарб масалалар, ресурслар, мактаблар, жамият, маданият.

Бугунги кунда ер юзида истиқомат қилаётган барча инсонлар кўп қутбли, серқирра дунёning жуда тез ўзгариб бораётганини нафақат гувоҳлари, балки жаҳон маданияти фан ва техникасининг ривожланиб, тараққий этиб бориши каби мураккаб ва узлуксиз жараёнларнинг ҳам бевосита иштирокчилари дидирлар. Қайд этиб ўтилсинки, мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конунини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилди. Мустақиллик йилларида 51,7 минг нафардан зиёд чет тиллар ўқитувчилари тайёрланди, умумтаълим мактабларининг 5 – 9 синфлари учун инглиз, немис ва француз тиллари бўйича мультимедиа дарсликлари, бошланғич синфларда инглиз тилини ўрганиш бўйича электрон ресурслар тайёрланди, умумтаълим мактабларида, қасб-хунар коллежлари ва академик лицейларда 5 мингдан кўпроқ лингафон кабинетлари жиҳозланди. Шу билан бирга, чет тилларни ўрганишни ташкил қилишининг амалдаги тизимини таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликлар замон талабларига, хусусан, илгор ахборот ва медиа-технологиялардан фойдаланиш борасидаги талабга тўлиқ жавоб бермаяпти. Таълим асосан анъанавий услубларда олиб борилмоқда. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш янада такомиллаштирилишини тақозо этади.

Бугунги таълим муассасаларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган холда ўқитишнинг илгор услубларини қўллаб, чет тилларига ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш учун кенг имкониятлар яратилган.

Одатда, ўқитувчи хорижий тилни ўргатиш, ўқитиш усулини ўзи танлайди. Ўқитишнинг мазмуни деярли ўзгармайди, аммо уни ўқувчиларга етказиш усули ўзгариши мумкин.

Инглиз тилини ўқитиши усулларидан яна бири - замонавий интерактив усулидир. Усул мазмунига кичра, дарсда янги грамматик мавзу эълон қилиниб, ўқитувчи уни турли йўлар, яъни доскага ҳар хил чизмалар чизиш, ҳаракатлар билан кўрсатиши, аввалги ўтилган мавзу билан, таққослаш билан

тушунтириши, мустаҳкамловчи саволлар билан талабаларни фикрлашга жалб этиши лозим. Фонетик машғулотларда эса, асосан, аудиоматнадаги қисқа сухбатлар тингланиб, ушбу аудиоматнадаги сухбатга айнан мос бўлган, сўзлари тушириб қолдирилган матн тўлдирилади. Ўқувчига берилган матн билан аудиоматнадаги сухбат бир хил бўлади. Матн ўта зийраклик билан тингланиб, янги ибораларни ёдда сақлаб қолгандагина, ўқувчилар шартни муваффақиятли бажариши мумкин. Бунда тинглаб тушуниш орқали оғзаки нутқ, кўникма ва малакалар шаклланиб боради. Тинглаб тушуниш ўқиши жараёни билан чамбарчас боғлиқдир. Ўқувчи ўқиган сўзларини яхши эслаб қолади ва тинглаганида яхши тушунади

Чет тиллар ўқитиши методикасининг услубий тушунчалари бор. Улар методиканинг тамойил, усул, йўл восита, ўқитиши тизими, технологияси, малака ва кўникмасидан иборат. Методик тушунчалар бир-бирини тулдиради. Улар методиканинг энг зарур, керакли тушунчаларидир. Методика бу тушунчалар орқали чет тили ўқитишини ишлаб чиқади, таълим-тарбия беришда улардан фойдаланади. Ҳар бир фан ўз тамойилларига эга. Шулар қаторида методика фанининг ҳам тамойиллари бор. Тамойил таълим-тарбия беришда риоя қилиниши лозим бўлган қонуниятдир. Методни ўргатиш усулларининг йифиндиси ва бутун бир йўналиш сифатида тушунилади. Биринчиси, талаффузни, лексикани ўргатиш методлари мисол бўлса, иккинчисига, чет тилини ўқитишида олдин қўлланилган лексика-таржима методни мисол қилиб кўрсатиши мумкин. Методикада усул, йўллар ҳам мавжуд бўлиб, улар (усул, йўллар) йифиндиси методни ташкил қиласи. Методик йўл, усул ўқитишида қўлланиладиган кичик методик иш фаолиятидир. Чет тили ўқитишининг воситаси эса ўқув жараёнида таълим-тарбияни амалга оширишда ишлатиладиган ўқув-методик қуролларни ўз ичига олади.

Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, ҳар бир ўқитувчи дарс жараёнларига тайёргарлик кўрап экан фан, фанинг ичида ўрганилиши лозим бўлган мавзу мазмунини ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда уни ўқитиш технологияларини, ўқувчилар билим савияларини баҳолаш мезони мукаммал ишлаб чиқиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Хошимов У., Ёкубов И.. Инглиз тили ўқитиши методикаси. - Т.: "Шарк", 2003.
2. Charlotte Bronte. Jane Eyre. London, 1992. -P. 93-95.
3. Рогова Г.В., Верещагина И.Н.. Методика обучения английскому языку на начальном этапе средней школы. - М., 1988.
4. Dexkanova M.U. "Issues to increase the efficiency of pedagogical activity in higher

education” Sciences of Europe (Praha, Czech Republic) VOL 2, No 72 (2021)

5. Dexkanova M.U . Ta’lim texnologiyalari. O‘quv qo’llanma. TTYMI. Toshkent 2019

6. Dexkanova M.U . Boshlang`ich sinf o`quvchilariga integrativ ta`lim asosida dars berish nazariyasi va mayjud muammolar yechimi. International conference on developments in education Sciencesand humanities International scientific-online conference 1nd part, 2-270 pages Part 1 may 29